

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ ҚОШИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЁҚУБОВА ИНДИРА РУСТАМ ҚИЗИ

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ
РУС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА БЎЛАЖАК ҲАРБИЙ ЮРИСТЛАРНИНГ
КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (рус тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философских наук (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ёкубова Индира Рустам қизи

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали рус тилини ўқитишда бўлажак ҳарбий юристларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш..... 3

Ёкубова Индира Рустам қизи

Совершенствование профессиональной компетентности будущих военных юристов при обучении русскому языку посредством информационно-коммуникационных технологий 25

Yokubova Indira Rustam kizi

Improving the professional competence of future military lawyers in teaching the Russian language through information and communication technologies..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Үн.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ҚОШИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЁҚУБОВА ИНДИРА РУСТАМ ҚИЗИ

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ
РУС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА БЎЛАЖАК ҲАРБИЙ ЮРИСТЛАРНИНГ
КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (рус тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.Phd/Ped2848 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) бажарилган ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Маматкулов Хуршид Абдурашидович педагогика фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Махмудов Розмет Мурадович педагогика фанлари доктори, профессор Кукатова Ольга Алексеевна филология фанлари номзоди, доцент
Ётакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси божхона институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 рақамли илмий кенгаш қошидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил 19 март соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100109, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чорсу қургони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; mg-hti@umail.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чорсу қургони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50)

Диссертация автореферати 2022 йил 7 март кuni тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).



М.Х.Рустамбаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, ю.ф.д., профессор

Н.Д.Ширинова
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н.,
доцент

Д.У.Хошимова
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда вужудга келаётган ижтимоий, маданий ва иқтисодий муаммоларнинг жиддийлиги, янги фикрлаш тарзига эга, ўз вазифасини англайдиган, профессионал ҳаракатчан, фундаментал билимга эга, ҳарбий-профессионал вазифаларни мустақил ва сифатли равишда ҳал этишга тайёр бўлган офицерларни тайёрлаш бўйича мақбул йўллари излашнинг долзарблигини белгиламоқда. Амалдаги армия учун бошқа давлатларнинг Куролли Кучлари билан дипломатик ҳамкорлик ва стратегик алоқаларни ташкил этиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланмоқда. Иттифоқчи давлатлар армиялари ўртасидаги мавжуд муносабатлар ва алоқалар ҳарбий хизматчилардан бошқа маданият вакиллари билан профессионал мулоқотни олиб боришда тайёргарликни ва қобилиятни талаб қилмоқда.

Жаҳонда бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. МДХ мамлакатларининг миллатлараро интеграцияси давлатлараро мулоқотнинг етакчи воситаларидан бири сифатида рус тилини ўрганишни халқаро стандартлар даражасида юқори малакали кадрлар тайёрлашда коммуникатив алмашинув омилларидан бирига айланмоқда. Тил тажрибаси ва касбий таълимнинг шартларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш сифатини ва самарадорлигини ошириш катта аҳамият касб этмоқда. Хусусан, замонавий шароитларда рус тилини билиш сифати кўп жиҳатдан ҳарбий мутахассиснинг касбий компетентлиги даражасига боғлиқ. Касбий компетентликни такомиллаштириш жараёни нафақат билимларни, ўрганилаётган тилнинг таркибий-тузилмавий таркибини ва янги тил тизимининг шаклланиш қонуниятларини ўзлаштиришни, балки келажақдаги профессионал фаолиятида уларни амалга ошириш қобилиятини ҳам назарда тутмоқда. Ҳозирги вақтда ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида олий ҳарбий таълим муассасаларида рус тилини ўқитишни тубдан такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. “Халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш, профессионал таълимнинг мазмуни ва сифатини ошириш”¹ вазифалари белгилаб берилган. Зотан, ҳозирги вақтда рус тили бўйича амалий машғулотлар анъанавий ўқитиш методикасига таянган ҳолда, тилни умумий ўзлаштириш асосида ўтказилмоқда, бу эса олий ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил олаётган курсантларда касбий терминологияни чуқур ўзлаштиришда кўплаб муаммоларни юзага келтирмоқда. Шунга асосланиб, ахборот-коммуникация технологиялари орқали рус тилини ўргатишда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий юристларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича илмий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

тадқиқотларни ўтказиш, бу йўналишда интерфаол дастурларни, янги авлод ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Рус тилини ўқитиш методикаси жиҳатидан В.И.Андрянова, О.В.Кон, Л.Т.Ахмедова, Д.У.Хашимова, М.Г.Воинова, В.И.Нормуратова, Н.Э.Шарипова, М.А.Бердиева каби маҳаллий олимлар томонидан илмий тадқиқотлар ўтказилган.

Касбий компетентликни такомиллаштириш соҳасида ўзбек методистлари томонидан бир қатор тадқиқотлар ўтказилган, жумладан: Х.А.Маматқулов, И.М.Тўхтасинов, З.Ш.Аллимарданов, А.Б.Раҳмонов, У.Е.Раҳматов, З.А.Маматқулова, Ж.Е.Усарова ва бошқалар ушбу масалаларни илмий-назарий томондан ўрганганлар.

Касбий компетентликни такомиллаштириш масалалари психологик ва педагогик адабиётларда МДҲ мамлакатлари ва чет элнинг қуйидаги олимлари томонидан кўриб чиқилган: А.Б.Аниськин, Е.С.Бессмельцева, А.Б.Гамов, Г.Р.Гарафутдинова, Е.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, В.М.Ростовцева, А.Б.Хуторская ва бошқалар; ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида чет тилларини ўқитиш масалалари И.Х.Абашева, Е.Г.Азимов,

М.В.Баканова, М.А.Бовтенко, М.Ю.Бухаркин, А.Б.Зубов, М.Г.Евдокимова, О.П.Крюкова, Е.С.Полат, С.Б.Титова каби олимлар томонидан кўриб чиқилган.

Бундан ташқари, касбий компетентликни такомиллаштириш масалалари Guerrero, Dante, De los Ríos, Ignacio, Fani Lauermann, Johannes König каби хорижий олимлар томонидан ўрганилган¹.

Олим педагоглар томонидан касбий компетентлик билан боғлиқ кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилишига қарамасдан, ахборот-коммуникация технологиялари орқали рус тилини ўқитишда бўлажак ҳарбий юристларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш масаласи махсус тадқиқотнинг объекти сифатида кўриб чиқилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Офицерлар, курсантлар ва ҳарбий хизматчиларни она тили (рус) ва чет тилларига ўқитишнинг илғор инновацион методлари ва технологиялари” мавзуси доирасида бажарилган (2020-2025 й.).

Тадқиқотнинг мақсади ахборот-коммуникация технологиялари орқали рус тилини ўқитишда бўлажак ҳарбий юристларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лингводидактик тушунча сифатида касбий компетентликни илмий ва назарий жиҳатдан асослаб бериш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

касбий компетентликнинг тузилмасини ва мазмунини таърифлаш;

олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларига рус тилини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг дидактик жиҳатини аниқлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

рус тили бўйича замонавий интерфаол таълим дастурларини таҳлил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

“Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол таълим дастурини бўлажак ҳарбий юристларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш воситаси сифатида кўриб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

“Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастури асосида олий ҳарбий таълим муассасаларида рус тилини ўқитиш бўйича мустақил ишларни ташкил этиш моделини ишлаб чиқиш;

“Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастурини қўллаш самарадорлигини тажриба-синов ишлари орқали текшириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ахборот-коммуникация технологиялари орқали бўлажак ҳарбий юристларнинг рус тилини ўқитишда

¹ Мазкур олимлар ва уларнинг илмий, методик ишлари диссертациянинг адабиётлар рўйхатида келтирилган.

касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 4 та олий ҳарбий таълим муассасасининг 152 нафар курсанти жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида бўлажак ҳарбий юристларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш методлари ва воситалари, бўлажак ҳарбий юристларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг лингводидактик асослари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-танқидий ўрганиш), диагностик (тест, кузатиш), прогнозли (экспертли баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик усуллар (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар)дан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Рус тили” фанини ўрганиш жараёнида шаклланадиган ҳарбий мутахассиснинг касбий компетентлигини қўмондонлик-фронт орти, таълим-тарбия, муҳандислик-эксплуатацион, экспериментал-тадқиқот каби ҳарбий профессионал фаолият турларидан келиб чиқиб “мотивация-қийматли”, “ахборотли”, “интеллектуал-билишга оид”, “коммуникативли” ва “бошқарувли” каби таркибий компонентлари ишлаб чиқилган;

рус тили бўйича билимларни такомиллаштиришнинг методик тизими мутахассислик тилига ва шахсга йўналтирилганлик, мақсадларни тўғри шакллантириш, муваффақиятли ўсиш учун мақбул муҳитни таъминлаш, зарур кўникмаларни босқичма-босқич ривожлантириш каби ўз-ўзини ривожлантириш принципларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ҳарбий юристларнинг рус тили бўйича мантиқий-дидактик ва психологик билимларини тизимлаштириш, мустақил ўзлаштириш имкониятларини кенгайтириш, эвристик, тадқиқотчилик, импровизацион фаолиятлар уйғунлигини таъминлаш орқали ахборот-коммуникация технологиялари ва ўқув лойиҳалаш усули ёрдамида мустақил тайёргарликни ташкил этиш модели ишлаб чиқилган;

аудиторияда тил ҳодисаларини батафсил ўрганишга ёрдам берадиган Prezi Desktop 6.26.0 дастури ёрдамида ҳарбий юристлар учун “Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастури, “Юридик терминларнинг рус-ўзбекча-инглизча” электрон луғати, “Қизиқарли рус тили” электрон китоби каби электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш орқали бўлажак ҳарбий юридик кадрларнинг рус тилини ўқитишда таълим технологиялари оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

муаллифлик нуқтаи назардан “компетентлик” ва “касбий компетентлик” каби тушунчаларга изоҳ берилган ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари орқали бўлажак ҳарбий юристларни рус тилига ўқитишга методик ёндашувнинг интерпретацияси келтирилган;

ҳарбий-юридик терминология билан машқлар ёрдамида рус тилини ўқитиш тизими ишлаб чиқилган ва ахборот-коммуникация технологияларини

қўллаган ҳолда машқларни бажаришга асосланган “Ҳарбий юристлар учун рус тили” ўқув қўлланмаси нашр этилган;

бўлажак ҳарбий юристларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш воситаси сифатида “Ҳарбий-юридик атамалар луғати” ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий ва илмий-методик тадқиқотларига, амалиётчи ўқитувчиларининг тажрибасига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мувофиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи методларни қўллаш, республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар тўпламларида, ОАК томонидан тавсия этилган журналларда мақолаларни чоп этилганлиги, нашр этилган ўқув қўлланмалар, ишлаб чиқилган интерфаол дастур, математик статистика методлари ёрдамида экспериментал ишнинг натижаларига ишлов бериш, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ахборот-коммуникация технологиялари орқали бўлажак ҳарбий юристларни рус тилига ўқитишда касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг мазмунини, ўқитиш методлари, воситалари ва шакллари аниқлаш мезонларини шакллантириш, рус тилини ўқитиш самарадорлигининг кўрсаткичи оширилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ахборот-коммуникация технологиялари орқали бўлажак ҳарбий юристларни рус тилига ўқитишда, уларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар, тавсиялар ва хулосалар олий ҳарбий таълим муассасаларида, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида ҳамда янги авлод ўқув қўлланмаларини ва махсус тил курсларини яратишда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборот-коммуникация технологиялари орқали бўлажак ҳарбий юристларни рус тилига ўқитишда, уларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича назарий-методологик ва амалий натижалар асосида қуйидагилар жорий қилинди:

“Рус тили” фанини ўрганиш жараёнида шаклландиган ҳарбий мутахассиснинг касбий компетентлигини қўмондонлик-фронт орти, таълим-тарбия, муҳандислик-эксплуатацион, экспериментал-тадқиқот каби ҳарбий профессионал фаолият турларидан келиб чиқиб “мотивация-қийматли”, “ахборотли”, “интеллектуал-билишга оид”, “коммуникативли” ва “бошқарувли” каби таркибий компонентлари ишлаб чиқиш юзасидан таклифлари Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ўқув жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси 2021 йил 30 октябрдаги 9550-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг 2021 йил 11 сентябрдаги 22/3-2496-сон маълумотномаси). Натижада касбий компетентликнинг компонентлари

“Халқаро ҳарбий ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлаш” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган курсантларни рус тилига ўқитишда рус тили ўқитувчилари учун университет таълимнинг мақсади ва вазифаларини амалга оширишда кўмаклашган;

рус тили бўйича билимларни такомиллаштиришнинг методик тизими мутахассилик тилига ва шахсга йуналтирилганлик, мақсадларни тўғри шакллантириш, муваффақиятли ўсиш учун мақбул муҳитни таъминлаш, зарур кўникмаларни босқичма-босқич ривожлантириш каби ўз-ўзини ривожлантириш принципларига устуворлик бериш юзасидан таклифлари Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юртлири ўқув жараёнига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси 2021 йил 30 октябрдаги 9550-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2021 йил 24 апрелдаги 38/5-126-сон, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясининг 2021 йил 12 апрелдаги 543-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юртининг 2021 йил 14 апрелдаги 965-сон маълумотномалари). Натижада методик ишланмалар Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасалари рус тили ўқитувчиларига илмий-методик манба сифатида хизмат қилган;

ахборот-коммуникация технологиялари ва ўқув лойиҳалаш усули ёрдамида мустақил тайёргарликни ташкил этиш моделини ишлаб чиқиш орқали бўлажак ҳарбий юристларнинг рус тили бўйича мантиқий-дидактик ва психологик билимлари тизимлаштирилган, мустақил ўзлаштириш имкониятларини кенгайтириш, эвристик, тадқиқотчилик, импровизацион фаолиятлар уйғунлигини таъминлашга оид таклифлари “Ҳарбий юристлар учун рус тили” ўқув қўлланмасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-237-сонли маълумотномаси). Натижада курсантларнинг мустақил тайёргарлик вақтида бўлажак ҳарбий юристлар билимларини умумий даражасини оширишга, улар томонидан ҳарбий-юрдик терминологияни тушунилишига, уни сўзлаш давомида тўғри қўллашга ҳамда рус тилида ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантиришга эришилган;

аудиторияда тил ҳодисаларини батафсил ўрганишга ёрдам берадиган Prezi Desktop 6.26.0 дастури ёрдамида ҳарбий юристлар учун “Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастури, “Юридик терминларнинг рус-ўзбекча-инглизча” электрон луғати, “Қизиқарли рус тили” электрон китоби каби электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш орқали бўлажак ҳарбий юридик кадрларнинг рус тилини ўқитишда таълим технологиялари оптималлаштириш юзасидан таклифлари Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти

каби олий ҳарбий таълим муассасалар ўқув жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси 2021 йил 30 октябрдаги 9550-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларининг касбий компетентлиги ва умумий билимлар даражасини босқичма-босқич такомиллаштиришига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий-методик иш, жумладан, 1 та интерфаол дастур, 1 та ўқув қўлланма ва 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 4 таси республика ҳамда 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ҳарбий юристларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг лингводидактик асослари”** деб номланган биринчи бобида лингводидактик жиҳатдан касбий компетентликнинг тушунчаси ва моҳияти таҳлил қилинган, унинг назарий таҳлили ўтказилган, касбий компетентликнинг тузилмаси ва мазмуни, шунингдек рус тилини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларини дидактик жиҳатдан қўлланилиши кўриб чиқилган ҳамда назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Мазкур бобнинг *“Касбий компетентлик лингводидактик тушунча сифатида”* деб номланган биринчи параграфида адабиётларни ва турли илмий тушунчаларни таҳлил қилиш асосида “компетенция” ва “компетентлик”, “касбий компетентлик” каби илмий тушунчаларнинг мазмуни ва моҳияти очиқ берилган.

Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларида таълимни модернизация қилиниши, ҳарбий-профессional таълимнинг мазмуни ва тузилишини тубдан янгиланишини назарда тутди. Тегишли даража ва профилга эга юқори малакали мутахассисни, рус тилида эркин сўзлашадиган,

халқаро стандартлар даражасида самарали ишлаш кўникмаси мавжуд, профессионал ўсиш, ижтимоий ва профессионал мобилликка тайёр турувчи рақобатбардош офицерни тайёрлаш унинг мақсади ҳисобланади. Профессионал компетентлик Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасалари бўлажак офицерлари малака даражасининг энг бош кўрсаткичи ҳисобланади.

Лингводидактикада “компетенция” ва “компетентлик” тушунчалари ўртасидаги боғлиқлик масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Баъзи муаллифларнинг фикрича, бу сўзлар маънодош бўлиб, билим тизимининг ҳаракатчанлигини билдиради. Бошқа муаллифлар бу тушунчаларни турли асосларга кўра ажратадилар. Биз И.Зимняя томонидан компетенция ва компетентлик ҳақида илгари сурилган қуйидаги таърифига қўшилишимиз мумкин: “булар яқин, аммо бир-бирига мос келмайдиган тушунчалар”, яъни педагогика фанида компетенция – бу эҳтимолли фаолият, маълум фаолият турига тайёрлик ва интилишдир. Компетентлик эса – шахснинг интеграл сифати бўлиб, маълум бир фаолиятда муваффақиятли амалга оширилган компетенциядир.

Касбий компетентликнинг муаммоси ва унинг ривожланиши турли йўналишларда Н.Б.Лаврентьева, В.И.Байденко, И.В.Упорова, В.Н.Введенский, В.В.Городецкий, А.Дорофеев, Р.Р.Хайрутдинова, А.Ю.Коровкин, О.В.Евтихова, И.Ф.Голованова, А.В.Волков, И.М.Добрынин, А.Ф.Арсланов, Л.Ю.Кривцов, А.П.Комаров, Х.А.Маматкулов, З.Ш.Алимардонов, Н.М.Муслимов каби олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.¹

Хорижий, россиялик ва маҳаллий олимларнинг ишларини таҳлил қилиш асосида, биз шундай хулосага келдикки, ушбу тадқиқот учун қуйидаги таъриф энг мақбул ҳисобланади: “*бўлажак ҳарбий юристнинг касбий компетентлиги*” – бу ҳарбий-профессионал вазифаларни самарали бажариш учун ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришга қодир бўлган, билим, кўникма ва малакаларга асосланадиган шахснинг интегратив фазилатидир”.

Биринчи бобнинг “*Касбий компетентликнинг тузилиши ва мазмуни*” деб номланган иккинчи параграфида бўлажак ҳарбий юристларнинг касбий компетентликни мазмуни ва тузилиши ёритилган.

Тадқиқотчи олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларига рус тилини ўргатишда касбий компетентликни – билим – компетентлик ва ушбу билимларни акс эттирувчи компетентлик – фаолият сифатида кўриб чиқади. Ва шунинг учун рус тилини ўқитиш жараёнида тажрибани эгаллаш эмас, аксинча тажрибани такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Билим сифатидаги бундай компетентлик профессионал онгнинг асосини ва ҳарбий хизматчилар маданиятининг бутун бир ҳолда ташкил этувчисини таърифловчи умумилмий, гуманитар, профессионал билимларнинг чуқурлиги билан изоҳланади. Компетентлик фаолият шаклланиши сифатида ҳарбий ишда лавозим, касб, мутахассисликнинг аниқ бир тили доирасида намоён бўлади.

¹ Мазкур олимларнинг ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотчининг фикрича, касбий компетентликнинг мазмуни касбий фаолиятнинг мақсадлари, вазифалари ва характери билан белгиланиб, касбий назарий ва амалий тайёргарликни, шунингдек, ижрочилик ва ижодий вазифаларни ҳал қилиш, ўз вазифаларини бевосита лавозим бўйича бажариш қобилиятини, бошқача қилиб айтганда – олий ҳарбий таълим муассасаси битирувчиси учун профессионал функцияларни муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган профессионал аҳамиятли фазилатлар, профессионал позициялар, психологик хусусиятлар тизимини ўз ичига олади (1-расм).



1-расм. Ҳарбий хизматчи профессионал фаолиятининг турлари
 Курсантларнинг ҳарбий-профессионал фаолият турларидан келиб чиқиб, “Рус тили” фанининг имкониятларини ҳисобга олиб ва И.А.Зимняя, М.И.Лукьянова, М.А.Петухова ва А.В.Хуторскойларнинг илмий ишларида ёритилган ёндашувларга таянган ҳолда тадқиқотчи бўлажак ҳарбий юристни касбий компетентлигининг қуйидаги компонентларини ажратиб олди:

мотивация-қийматли, ахборотли, интеллектуал-билишга оид, коммуникативли ва бошқарувли.

Биринчи бобнинг *“Рус тилини ўқитиш давомида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг дидактик жиҳати”* деб номланган учинчи параграфидан рус тилини ўқитиш давомида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг дидактик жиҳатлари ёритилган, ахборот-коммуникация технологияларининг воситалари билан ўқитиш турлари таҳлил қилинган.

Бугунги кунда ҳарбий мутахассисларнинг сифатли тил тайёргарлигини замонавий ахборот-коммуникацион технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳарбий олий таълим муассасасида турли ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг мақсади – курсантларга маданиятлараро ишбилармонлик мулоқотларнинг профессионал аҳамиятли шароитларида рус тилини коммуникатив-йўналтирувчи сифатларини ўзлаштирилишини ўргатишдан иборат.

Тадиқот шуни кўрсатдики, рус тилини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш психологик ва педагогик адабиётларда дидактик жиҳат сифатида кенг ёритилган. Унинг турли жиҳатлари очиб берилган, жумладан: моҳияти, роли, афзалликлари, камчиликлари, турлари ва бошқалар. Шу билан бирга, бу муаммо ҳарбий-профессионал таълим соҳасида ўзининг якуний ечимини топмаган. Бўлажак ҳарбий юристларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш воситаси сифатида рус тили машғулотларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилишини назарий таҳлил қилишимиз ахборот-коммуникация технологияларини шахсиятли ва профессионал аҳамиятли муаммони ҳал этиш учун курсантларнинг рус тилини ўрганиш бўйича мақсадга йўналтирилган фаол ўзгарувчан фаолияти сифатида ажратиб олишга ҳамда функциялар билан изоҳланган дидактик салоҳиятини белгилаб олишга имкон берди. Ажратиб олинган турлар – электрон дарсликлар, таржимонлар, кутубхоналар, маълумотлар базалари, интерфаол дастурлар маълум даражада педагогика фанида мавжуд бўлган ахборот-коммуникация технологияларининг тавсифини тўлдиради ва уларни бўлажак ҳарбий юристларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришда муҳим рол ўйнашини исботлайди.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида, биз шундай хулосага келдикки, ҳозирги босқичда ушбу дидактик хусусиятларнинг рўйхати шуни кўрсатадики, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида рус тилини ўқитиш методикасининг ривожланиши қўшимча ўқитиш варианты сифатида эмас, аксинча, фаол ва пассив луғатни бойитишга ва кенгайтиришга, янги маданиятлараро билимларни беришга, билишга оид фаолиятга барқарор мотивацияни шакллантиришга ҳамда ҳамкорликдаги иш кўникмасини ҳосил қилишга қодир бўлган ўқитишнинг муқобил варианты сифатида кўрилиши мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг “**Ахборот-коммуникация технологиялар орқали бўлажак ҳарбий юристларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш методикаси**” деб номланган иккинчи бобида рус тили бўйича замонавий интерфаол таълим дастурлари таҳлил қилинган, “**Ҳарбий юристлар учун рус тили**” интерфаол дастури ёрдамида касбий компетентликни такомиллаштириш йўллари ҳамда мазкур дастурни олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларининг мустақил тайёргарлиги вақтида қўлланилиши ёритилган.

Иккинчи бобнинг “*Рус тили бўйича замонавий интерфаол таълим дастурларининг таҳлили*” деб номланган биринчи параграфида замонавий хорижий ва маҳаллий интерфаол дастурларининг таҳлили ўтказилиб, рус тили бўйича “**Падежный детектив**”, “**Тайна 6-ти сундуков**” ва Ўзбекистон Миллий университетининг рус тили ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган таълим дастури кўриб чиқилган.

Компьютер дастурлари бозорининг энг катта сегментига сўзлашув маданиятига, яъни энг аввал сўзлашиш, эшитиш ва ўқиш бўйича сўзлашув фаолиятининг турларига ўргатувчи коммуникацион-таълим дастурлари киради. Қайд этиб ўтиш керакки, ушбу дастурлар фонетика, грамматика ва лексик мавзулар бўйича топшириқлардан иборат бўлиши мумкин, аммо мазкур машқлар коммуникация дастури томонидан қўйилган дастлабки мақсад ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган, яъни рус тилини идрок этилишини енгиллаштириш ҳамда сўзлашув ва ўқиш кўникмаларига эга бўлишда ёрдам беришдан иборат.

Шунингдек, ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, барча таълимий компьютер дастурлари қуйидаги ўзига хос тавсифларни ўз ичига киритиши лозим:

ўқув материали (видео, анимация, аудио ва бошқалар)ни тақдим этиш усуллариининг хилма-хиллиги;

курсантларнинг кутиладиган (тахмин қилинадиган) жавобларга асосланган турли машқ ва топшириқларни қўллаш, чунки олинган жавобларнинг таҳлили компьютер маълумотлар базасида мавжуд жавоблар билан солиштириш орқали амалга оширилади;

дастурнинг бўлимлари ўртасида тезкор ўтишни, маълумотларни оператив қўллашни имкон берувчи, дастурда мавжуд ахборотларни ташкил этишнинг гиперматнли шакли;

қоида тарикасида, кўриш семантизацияси ва сўзларни аудио ёзиб олиш билан гиперматнли луғатнинг мавжудлиги;

бажарилган ишлар, хатоликлар ва топшириқларни ечишга сарфланган вақт тўғрисида маълумотларни сақлаб олиш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга, деярли барча компьютер дастурларининг сезиларли камчилиги сифатида етарлича бўлмаган коммуникатив амалиётини кўрсатиб этиш мумкин, бу эса, энг аввало, товушли нутқни таҳлил қилиш ва фаҳмлаб олишда компьютерларнинг паст техник имкониятлари билан боғлиқ.

Рус тили бўйича энг оммабоп таълимий компьютер дастурларининг афзалликларини ва камчиликларини таҳлил қилган ҳолда, тадқиқотчи

“Хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш” таълим йўналиши бўйича таҳсил оладиган курсантлар учун “Ҳарбий юристлар учун рус тили” деб номланган интерфаол профилли дастурини яратди.

Иккинчи бобнинг “Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастури “Хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш” таълим йўналиши бўйича таҳсил оладиган курсантларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш воситаси сифатида” деб номланган иккинчи параграфида тадқиқотчи ўтказилган таҳлил асосида “Хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш” таълим йўналиши бўйича таҳсил оладиган курсантлар учун “Ҳарбий юристлар учун рус тили” деб номланган интерфаол дастурини яратди. Мутахассисликнинг тили ушбу дастурнинг мазмунли жиҳати ҳисобланади.

Рус тилини ўрганишда бизнинг “Ҳарбий юристлар учун рус тили” номли интерфаол дастуридан фойдаланишнинг муҳимлиги қаторига нафақат таълим олувчиларга рус тилида билишга оид ва қизиқarli маълумотларнинг берилишини, балки курсантларнинг рус тилида “жонли” мулоқот олиб боришларини киритиш мумкин.

Тадқиқотчининг фикрича, “Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастурининг афзалликлари куйидагилардан иборат: товушли ўқув материалининг катта ҳажмлилиги; таълимий дастурларга қўйиладиган замонавий талабларга (интерфаоллик, ўзлаштирилган материални назорат қилиш, тест ўтказиш ва билимларни баҳолаш) мослиги; курсларни аудиторияда, шунингдек мустақил ва масофавий таълим тизимларида қўллашнинг имконияти; ёйилган тест тизими; асосан аудитория иши давомида ўқув материалларининг босма нусхаларини қўллаш имконияти.

“Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастури учта асосий қисмдан иборат: курснинг асосий ахборотлари баён этилган презентация қисми, билимларни мустаҳкамлаш учун машқлар, таълим олувчининг билимларини объектив баҳолаш имконини берувчи тестлар. Дастурда бир вақтнинг ўзида дарслик, масалалар тўплами ва практикум жамланган. Интерфаол дастури 4 та бўлимдан иборат: “Ҳуқуқ асослари”, “Халқаро ҳуқуқ”, “Жиноят ҳуқуқи”, “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш”. Ҳар бир бўлим “Хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш” таълим йўналиши бўйича таҳсил олувчи курсантлар учун “Рус тили” фанининг ўқув дастурига мувофиқ 5 тадан дарсларни ўз ичига олади. Ҳар бир дарс юриспруденциянинг маълум бир бўлими билан боғлиқ бўлган лексик материалларни ва грамматик тузилмаларни ўз ичига олади, бу эса тилга ўргатишни мутахассислик тили бўйича материалларни ўзлаштириш билан бирлаштириш имконини беради.

Тадқиқотчи шундай хулосага келадикки, “Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастури компьютер синфларида ишлайдиган курсантларга назарий материални ўзлаштириш, мавзу бўйича амалий машғулотларга тайёрланиш, якуний тест ёрдамида материалнинг ўзлаштириш даражасини текшириш, ўқитувчиларга эса курсантларнинг мустақил ишини ташкил этиш, унинг олиб борилишини ва натижаларини назорат қилиш имконини беради.


Иккинчи бобнинг “*Ҳарбий юристлар учун рус тили*” интерфаол дастури асосида Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларида рус тилини ўқитишда мустақил ишни ташкил этиш” деб номланган учинчи параграфиди тадқиқотчи томонидан “Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастури асосида мустақил ишни ташкил этиш методикасини ишлаб чиқилган ва рус тили бўйича билимларни мустақил ўзлаштириш имкониятларини кенгайтириш, эвристик, тадқиқотчилик, импровизацион фаолият уйғунлиги динамиклигини таъминлашга хизмат қилувчи мустақил ишни ташкил этиш модели ҳам такомиллаштирилган.

Мустақил ишни ташкил этиш профессор-ўқитувчилар таркибидан курсантлар таълимнинг сифатли методик таъминланганлигини, маслаҳатли ёрдам кўрсатилишини талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ маслаҳатлар ўқув материалларини ўзлаштиришда курсантларга ёрдам бериш ва улар мустақил ишининг шаклларида бири ҳисобланади. “Тилларни ўрганиш” кафедрасида навбатчи ўқитувчилар томонидан мустақил тайёргарлик соатларида маслаҳатлар мунтазам равишда ўтказилади ва индивидуал характерга эга. Амалий машғулотларни ва имтиҳонларни ўтказишдан олдин кўшимча равишда мақсадли гуруҳий консультациялар ташкил этилади. Рус тили бўйича аудиториядан ташқари мустақил иш, қоида тариқасида, ўқув адабиётларини ўрганиш, амалий машғулотларга ва имтиҳонларга тайёргарлик кўришни назарда тутди.

“Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастури рус тилини аудиторияда ва мустақил равишда ўрганиш ҳамда тренажер сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган.

“Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастури ва ўқув лойиҳалаш усули ёрдамида мустақил тайёргарликни ташкил этиш моделини ишлаб чиқиш орқали бўлажак ҳарбий юристларнинг рус тили бўйича мантиқий-дидактик ва психологик билимлари тизимлаштирилган, мустақил ўзлаштириш имкониятларини кенгайтириш, эвристик, тадқиқотчилик, импровизацион фаолиятлар уйғунлигини таъминлашга эришилган.

Тақдим этилган “Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастури таълим технологияларини мақбуллаштиришга ва ўқув жараёнининг ташкил этилишини яхшилашга ҳамда аудитория машғулотларининг доирасида амалга оширилиши мураккаб ҳисобланадиган ишнинг индивидуал темпи ҳисобига, тил ҳодисалари устидан батафсил ишларни олиб боришга кўмаклашади (2 расм).



2-расм. Рус тили дарсларида бўлажак ҳарбий юристларнинг мустақил тайёргарлик дарсларини ташкил этиш модели

Диссертациянинг “Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари” деб номланган учинчи бобида экспериментнинг ташкил этилиши, унинг олиб борилиши ва натижалари ёритилган.

Бўлажак ҳарбий юристларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш воситаси сифатида “Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастурининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида курсантларнинг билим ва кўникмаларни аниқлаш имконини берадиган тажриба-синов ишлари ўтказилди.


Тажриба-синов ишларининг объектлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг (48 нафар), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг (33 нафар), Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясининг (41 нафар), Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юртининг (28 нафар) курсантлари танланган. Жами бўлиб экспериментда 152 нафар курсант иштирок этди, улардан 76 нафари экспериментал гуруҳда ва 76 нафари назорат гуруҳида иштирок этишди. Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқиб, экспериментал иш қуйидаги босқичлардан иборат бўлди:

1. Асослантирувчи аналитик босқич.
2. Шакллантирувчи амалий босқич.
3. Тасдиқловчи якуний босқич.

Биринчи асослантирувчи босқичда танланган олий ҳарбий таълим муассасаларининг ўқув жараёнидаги амалдаги қоидалари, муаммолари ва қийинчиликлари, ўқув-методик таъминоти, ўқув режа, ўқув дастурлар, ўқув адабиётлар, дарсликлар, ўқув кўлланмалар ва рус тили дарслари таҳлил қилинди, рус тили ўқитувчилари ва фанни ўрганувчи курсантлар ўртасида сўровнома ўтказилди, таълим жараёнида юзага келувчи муаммолар ўрганилди, ушбу масала бўйича фикрлар белгиланди.

Иккинчи шакллантирувчи босқичда респондентлар назорат ва экспериментал гуруҳларга бўлинди. Рус тили фанининг дастури бўйича ўқув соатлари, курсантлар билимларининг тенг даражаси, профессор-ўқитувчиларнинг тенг таркиби ҳисобга олинди. Экспериментал гуруҳлардаги тадқиқотлар “Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастуридан фойдаланган ҳолда, назорат гуруҳларда эса анъанавий методлар асосида ташкил этилди. Бошида рус тилини эгаллаганлик даражасини аниқлаш учун дастлабки тестлар ўтказилди. Даражани аниқлашда респондентларга турли мураккабликка эга (оддийдан мураккабгача) 30 та тестлар берилди.

Тест натижаларидан келиб чиқиб, машғулотларнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича барча мезонлар экспериментал гуруҳлардаги кўрсаткичлар назорат гуруҳларига қараганда баландроқ бўлди (3-расм, 1-жадвал).



3-расм. Назорат ва экспериментал гуруҳлар курсантларини баҳолаш натижалари

Т/р	Гуруҳ номи	Курсантлар сони	Баллар												
			40	45	50	55	60	65	70	75	80	85	90	95	100
1	Экспериментал гуруҳ	N= 76	-	-	2	2	3	5	7	8	10	11	14	7	7
2	Назорат гуруҳи	M= 76	1	3	5	8	12	14	7	5	4	4	5	4	3

1-жадвал. Назорат ва экспериментал гуруҳлар тингловчиларини баҳолаш натижалари

Экспериментал ва назорат гуруҳларида таълим жараёни математик-статистик методларини қўллаш орқали таҳлил қилинди. Тингловчиларнинг билимларини баҳолашда 100 балли рейтингни мониторинг қилиш тизими қўлланилди. 2020-2021 йилларда тадқиқотни амалга ошириш давомида “Ҳарбий юристлар учун рус тили” интерфаол дастури асосида Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларида ташкил этилган машғулотларда курсантларга рус тили бўйича ўзлаштириш даражасини баҳолаш мақсадида якуний тест синовлари ўтказилди.

Математик-статистик формулалардан фойдаланган ҳолда экспериментал гуруҳлар тингловчилари томонидан олинган баллар x_i , тингловчилар сони n_i , статистик эҳтимоллик $P_i = \frac{n_i}{N}$, назорат гуруҳлари учун m_i ва $q_i = \frac{m_i}{M}$ сифатида белгиланди. Натижада биз иккита статистик қаторга эга бўлдик (2-жадвал).

2-жадвал

Рус тили бўйича курсантларнинг ўзлаштириш даражаларини кўрсаткичлари

Экспериментал гуруҳлар тингловчиларининг натижалари

x_i :	40	45	50	55	60	65	70	75	80	85	90	95	100
n_i :	-	-	2	4	7	11	15	20	23	14	12	2	1
p_i :	-	-	0,018	0,036	0,063	0,099	0,135	0,180	0,207	0,126	0,108	0,018	0,009

Назорат гуруҳлари тингловчиларининг натижалари

y_i	40	45	50	55	60	65	70	75	80	85	90	95	100
m_i	1	3	5	8	12	14	7	5	4	4	5	4	3
q_i	0,013	0,04	0,066	0,106	0,16	0,186	0,093	0,066	0,053	0,053	0,066	0,053	0,04

Кейинчалик статистик қаторларга мувофиқ курсантлар ўзлаштириш даражасининг ўртача кўрсаткичлари ҳисобланади:

$$\begin{aligned} \bar{x} &= \sum_i p_i x_i = 50 \cdot 0,018 + 55 \cdot 0,026 + 60 \cdot 0,039 + 65 \cdot 0,09 + 70 \cdot 0,135 + 75 \cdot 0,18 + \\ &+ 80 \cdot 0,207 + 85 \cdot 0,126 + 90 \cdot 0,108 + 95 \cdot 0,018 + 100 \cdot 0,009 = 75,72 \\ &+ 70 \cdot 0,21 + 75 \cdot 0,15 + 80 \cdot 0,01 + 85 \cdot 0,04 + 90 \cdot 0,03 + 95 \cdot 0,02 + 100 \cdot 0,01 = 68,60 \end{aligned}$$

Бундан кўришиб турибдики, экспериментал гуруҳларда олинган натижалар, назорат гуруҳлари натижаларидан $75,72 - 68,60 = 7,12$ га баландроқ.

